Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 26 октябр сешанба

Сотувда эркин нархда
№ 210 (2248)



## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 октябр куни Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) кам сонли миллатлар иши бўйича Олий комиссари Макс ван дер Стулни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари ЕХҲТ вакилини юртимизга ташрифи билан қутлар экан, унинг вазифаси қамраган соҳа гоят муҳим аҳамиятга молик эканлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, дунёнинг айрим минтақаларида миллатлар ва элатлараро муносабатлар танг аҳволда. Айниқса, 90-йиллар бошида собиқ Югославия заминида ташкил топган янги давлатлардаги вазият гоят мураккаблашган эди. Шу ҳисобга олинган ҳолда, 1992 йили ЕХҲТ қошида кам сонли миллатлар иши билан шуғулланувчи комиссарлик ташкил этилган эди. Бу орган фаолияти жойларда миллатлар ёки элатлараро низолар келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган.

Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат вакили яшайди. Таъкидлаш жоизки, уларнинг барчаси қандай миллатга мансублиги, қайси динга эътиқод қилиши, қандай сиёсий қарашларга эга эканлигидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга. Бу Асосий қонун — Конституцияда қатъий белгилаб қўйилган. Оддий мисол сифатида Ўзбекистонда яшовчи турли миллатларнинг кўплаб миллий-маданий марказлари кенг фаолият юритаётганини келтириш мумкин. Мазкур марказлар нисбатан кам сонли миллатларнинг анъаналари, маданияти ва санъатини тарғиб этиш билан бирга, мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашга ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

ЕХҲТ Олий комиссарининг Ўзбекистонга ташрифдан кўзлаган мақсади ҳам бу борада юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ишлар, мамлакатимизда яшовчи турли миллатларнинг маданий марказлари фаолияти билан танишишдан иборат.

Учрашувда Ўзбекистоннинг ЕХҲТ билан алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

**СУРАТДА: қабул пайти. А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

***Азиз дўстлар!***

***Барчангизни Она-Ватан хирмонига 250 минг тонна пахта топшириб, шартнома режасини бажарганингиз билан чин дилдан муборакбод этаман!***

***Сизнинг бу меҳнат зафарингиз, аввалambор, орият, мардлик ва лафзи ҳалолликни фазлу одат қилган Самарқанд халқига, айниқса, унинг ерга кўнгил берган заҳматкаш пахтакорига хос меҳр-оқибат, фидойилик самарасидир.***

***Меҳр қўйган даласидан ҳамиша мадад, куч-қудрат топган асл деҳқон ўз тақдирини, фарзандлари келажагини ва юрт истиқболини табаррук Она-ер саҳовати билан боғлаб яшайди.***

***Самарқандликларнинг бу меҳант зафари вилоятда деҳқоннинг меҳнатига, ерга ва мулкка муносабатда янгича қарашлар тобора мустаҳкам қарор топаётганидан, ташаббус, изланиш ва тадбиркорлик турмуш тарзига айланиб бораётганидан далолат.***

***Ўз иззатини билган одам меҳнатининг ҳам қадрига етади. Мамлакат пахта хирмонига яна 25 минг тонна ҳосил топширишга бел боғлаганингиз бунинг исботидир.***

***Қадрли ҳамюртларим!***

***Меҳнат зафарингиз яна бир бор муборак бўлсин! У ҳар бирингизнинг рўзғорингизга тўкинлик, қут-барака келтирсин!***

***Барчангизга соғлик-саломатлик, тинчлик-омонлик, эзгу ишларингизда омад тилайман!***

***Парвардигорнинг ўзи сизларни ҳамиша қўлласин!***

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

«Пахта-99»



## САМАРҚАНДНИНГ ЮКСАК ХИРМОНИ

**Самарқандлик лабзи ҳалол пахтакорлар республика вилоятлари ўртасида иккинчи бўлиб зафар маррасини эгаллашди. Давлатга 250 минг тоннадан зиёд пахта сотилди. Ҳар гектар майдондан 26 центнердан ошириб ҳосил олинди. Йиллик шартнома режасининг бажарилишига атиги 40 иш куни кифоя қилди.**

Самарқанд — мамлакатимизда катта иқтисодий салоҳиятга эга вилоятлардан бири. Мустақиллик йилларида бу кўҳна ва навқирон воҳада юз берган иқтисодий, ижтимоий, маданий, маърифий соҳалардаги ўзгаришлар унинг шуҳратига янада шуҳрат қўшди. Яқингинада ўз фаолиятини бошлаган «СамКочАвто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган ихчам автобус ва юк машиналари бугун экспортга чиқарила бошланди. «Бритиш-Американ-Тобакко-Узбекистан» қўшма корхонаси маҳсулотлари эса аллақачон Марказий Осиё бозорларидан ўз ўрнини топган. Вилоятда яна қанчадан-қанча шу каби йирик саноат корхоналари ишлаб турибдики, уларнинг барчаси иқтисодиётнинг барқарорлашувига, мамлакатимизга чет эл сармояларини жалб этишга хизмат қилаяпти.

Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 46 фоизга, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ишлаб чиқариш 12,1 фоизга ошганлиги ҳам вилоятда иқтисодий ислоҳотлар жадал олиб борилаётганлигидан далолат беради. Шу даврда қурилиш ва жиҳозлаш ишларига 5,7 миллиард сўмлик хорижий инвестициялар жалб қилинди.

Вилоятда ялпи ички маҳсулотнинг учдан бир қисми, аҳоли учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳиссасига тўғри келади. Демак, қишлоқ хўжалиги вилоятда асосий тармоқ ҳисобланади. Шу боис йил бошида қишлоқ хўжалигидаги аҳвол бугунги иқтисодий ислоҳотлар талаблари асосида таҳлил этилди. Маҳсулот сифатини яхшилаш, харажатларни камайтириш эвазига даромадни ошириш чоралари белгиланди.

Вилоят ҳокимлиги ҳузурида Маслаҳат кенгашининг кўчма мажлислари ташкил этилди. Илғор тажрибаларни ўрганиш, уларни оммалаштиришга катта эътибор қаратилди.

Қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи ташкилотлар деҳқончиликдаги муаммолар ечимини топиш билан изчил шуғулланмоқда.

Бу саъй-ҳаракатлар беиз кетмади. Ғаллачиликдан илк бор 2,5 миллиард сўм фойда олинди. Мўлжалдагидан 100 минг тонна кўп дон етиштирилди. Тайёрланган уруғлик дон ҳисобидан яна бир миллиард сўм фойда қўлга киритилиши кутилаяпти.

**(Давоми 2-бетда).**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти, Халқаро кураш ассоциациясининг фахрий Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам жаноби олийлари!

Биз, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун кураш бўйича иккинчи Халқаро турнир иштирокчилари бўлган йигирмадан ортиқ мамлакат вакиллари, юртингизда бу жозибали ва мардона спорт турини ривожлантириш юзасидан катта ишлар қилинаётганига гувоҳ бўлдик ва буни самимият билан қайд этмоқдамиз.

Шуниси эътиборга моликки, бу турнирда биринчи марта хорижий давлатларда ўтказилган кураш бўйича чемпионатларнинг биринчи ғолиблари иштирок этди.

Бугун 5 қитъанинг кураш гиламларида "кураш", "ҳалол" каби ўнлаб ўзбек сўзлари янграмоқда. Кураш клублари, федерациялари тузилмоқда. Минглаб спортчилар ўзбек кураши билан астойдил шуғулланмоқда.

Буларнинг ҳаммаси қадимий ўзбек анъаналари, қадриятлари, урф-одатлари, турмуш тарзи ва унинг ажралмас қисми бўлмиш кураш жаҳон цивилизацияси, маданияти билан уйғунлигининг, мослигининг рад этиб бўлмас далилидир.

Ана шундай бебаҳо меросдан баҳраманд бўлиш имкониятини бизга ҳам яратиб берганлигингиз ҳар қанча таҳсинга муносибдир.

Ўйлаймизки, яқин келажакда кураш дунёдаги кўплаб халқларнинг, миллату элатларнинг маънавий мулкига яна бир бойлик бўлиб қўшилади. Ана шундай кунларнинг тезроқ келишида биз сизга камарбаста бўлиб қоламиз.

Турнирнинг юқори савияда ўтказилганлиги учун энг самимий миннатдорлигимизни қабул қилишингизни сўраймиз ҳамда сизга ва халқингизга сиҳат-саломатлик, фаравонлик тилаймиз.

**Эҳтиром билан,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун кураш бўйича иккинчи Халқаро турнир иштирокчилари.**
1999 йил 22 октябр, Термиз шаҳри.

1999 5 декабр — САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН — 2000 9 январ

## ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

### фуқаролар сиёсий фаоллигининг белгиси

***Сайловларга тобора яқинлашаётганимиз, демократик тамойиллар турмуш тарзимиздан мустаҳкам ўрин олаётгани боис, жамоатчилик фикрига бўлган қизиқиш ва эътибор янада кучаймоқда. Бугунги кунда сайловчилар кимга овоз берадилар? Сайловда қайси сиёсий партия ютиб чиқади? Ким кимни сайлайди? Сайловларда қанча фуқаро иштирок этади, каби саволлар ҳаммани қизиқтириши табиий. Мухбиримиз республика «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори, профессор Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА билан ана шулар ҳақида фикрлашди.***

**— Айримлар жамоатчилик фикрини ўрганадиган муассасалар нега фаол эмас, деган фикрларни ҳам билдиришмоқда? Сиз бунга қандай қарайсиз?**

— Биласизми, бизнинг марказ Президентимизнинг 1997 йил 25 июндаги Фармонига асосан ташкил топган. Фаолиятимизга энди икки йил бўлди. Тўғри, камчиликларимиз ҳам бўлиши мумкин. Буни инкор этмаймиз. Лекин бевосита сайловлар ҳақида гапирадиган бўлсак, биз бу борадаги ишимизни сайловлар ҳақида расмий хабар берилганидан анча олдин бошлаган эдик. Масалан, 1998 йилнинг бошларида «Ўзбекистон жамоатчилик фикри — 98» мавзусида комплекс социологик тадқиқот ўтказган эдик. Унга сайловлар бўлишини инобатга олиб, аҳолининг сиёсий фаоллиги ҳақида махсус бўлим киритдик.

Қолаверса, Марказнинг сайловларга бағишланган тадқиқотлари айни кунларда ҳам қизғин давом этмоқда.

**— Кечирасиз, бу тажриба бизда илгари сира қўлланилмаган. Тажрибасизлик панд бермаяптими?**

— Дарҳақиқат, жамоатчилик фикрини ўрганиш бизда аввал амал қилмаган. Шу маънода буни мустақиллигимиз меваси, деб атасак нотўғри бўлмайди. Бу биринчи томони. Иккинчи томони эса, бу — жамиятимизда демократик тамойиллар янада мустаҳкам қарор топаётганлигидан далолат беради. Ахир, оз эмас, кўп эмас бундан 10-15 йил олдинги ҳолатни кўз олдингизга бир келтиринг-а, қандай эди? Жамоатчилик фикри номигагина бўлсин сўралармиди? Аслида, унга сира эҳтиёж йўқ эди. Чунки ҳаммаси олдиндан тап-тайёр қилинар, буни жамоатчилик ҳам яхши биларди. Компартиянинг биринчи котиби ҳеч қачон сайланган эмас. Ҳеч қачон компартиянинг ёнида яна бир бошқа партия бўлган эмас. Ҳеч қачон битта округда иккита номзод қўйилган эмас. Ҳаммаси битта ва ягона бўлар эди. Шундай экан, жамоатчилик фикрига йўл бўлсин. Энди қаранг, бешта сиёсий партия бор. Ҳокимият вакиллик органлари ҳам номзод кўрсатади, мустақил номзодлар ҳам бор. Демак, битта округдан еттитагача, ҳатто ундан ҳам кўп номзод кўрсатилиши мумкин. «Халқ сўзи»да айтилди, битта сайлов округида саккизта ташаббускор гуруҳ тузилибди. Булар ҳаммаси нимадан далолат? Демократиянинг борлиги, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ошаётганлиги белгиси эмасми? Буни ким инкор эта олади.

**(Давоми 2-бетда).**

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган ЕХҲТнинг кам сонли миллатлар иши бўйича Олий комиссари Макс ван дер Стул Олий Мажлис раиси Эркин Халилов билан учрашди. Учрашувда Ўзбекистон Парламенти Раиси мамлакатимиз олий қонун чиқарувчи органининг фаолияти, хусусан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлади. Суҳбат чоғида Ўзбекистонда қайси миллатга мансублигидан қатъий назар, ҳар бир фуқаро бир хил ҳуқуқ ва эркинликлардан кенг фойдаланаётгани алоҳида таъкидланди.

ЕХҲТ Олий комиссари Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида ҳам бўлди.

Учрашувларда ЕХҲТ доирасида миллатлар ва элатлараро дўстлик алоқаларини ривожлантириш масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

Макс ван дер Стул мамлакатимизда яшовчи турли миллатлар миллий-маданий марказлари вакиллари билан ҳам учрашди.

**(ЎзА)**

## "ЎЗБЕК КУРАШИНИ ЖУДА ЯХШИ КЎРИБ ҚОЛДИМ"

***22 октябр куни Термиз шаҳрида Президент соврини учун кураш бўйича иккинчи анъанавий халқаро турнир мусобақалари бўлиб ўтди. Мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлар турнирнинг халқаро андозаларга мос юксак савияда ташкил этилганини эътироф этди. Турнир якунлангандан сўнг ЎзА мухбири ғолиблар билан қисқа суҳбат қурди.***

**Тоштемир Муҳаммадиев — Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони, Осиё чемпиони, Президент соврини учун кураш бўйича иккинчи анъанавий халқаро турнирнинг мутлақ ғолиби:**

— Мен ҳозир ўзимнинг қанчалик бахтиёр эканимни ифодалашга сўз тополмаяпман. Қишлоқ тўйларида кураш тушиб юрган йигит эдик. Ким ўйлабди дейсиз, курашимизнинг жаҳон майдонига чиқиб, дунёнинг мана-ман деган полвонлари билан бел олишиш имкони пайдо бўлади деб. Бу, аввало, мустақиллигимизнинг шарофати. Қолаверса, Президентимизнинг миллий курашга алоҳида эътибор билан қараётгани туфайли шундай улуғ ишлар рўёбга чиқяпти. Биз дунёга чиқдик, дунё бизни таниди. Биз курашимизнинг шунчалик обрў олганидан фахрланиб турибмиз. Хорижлик полвонлар эса биздаги кураш ишқибозларининг ғайратидан ҳам ҳайрон, ҳам ҳавасда.

**Павел Малаванец — кураш бўйича Польша чемпиони, Ўзбекистон Президенти соврини учун кураш бўйича иккинчи анъанавий халқаро турнирнинг иккинчи ўрин соҳиби:**

— Бизнинг мамлакатимизда ҳам кураш ишқибозлари кўпайиб бормоқда. Бир неча марта мусобақалар ўтказдик. Полвонларимиз курашнинг қонун-қоидаларини ўрганаётир. Лекин мени ҳайратда қолдиргани мамлакатингизда халқнинг курашга меҳри жуда катталиги бўлди. Бундай катта стадионни тўлдириб ўтирган минглаб томошабинни Европанинг кўплаб спорт клублари орзу қилади. Мамлакат раҳбаридан то оддий фуқароларгача курашга қизиқар экан. Шундай эътиборга сазовор бўлган кураш, албатта, дунёда энг оммавий спорт турларидан бири бўлиб қолиши табиий. Ўйлайманки, яқин вақтлар ичида Европада ҳам унинг ҳақиқий ишқибозлари янада кўпаяди.

**Достон Пиримқулов — Ўзбекистон Президенти соврини учун кураш бўйича иккинчи анъанавий халқаро турнирнинг учинчи ўрин соҳиби. Қозоғистон Республикасидан:**

— Мен бу йил ўрта мактабни битирдим. Оиламизда кураш тушган полвонлар йўқ. Лекин боболаримни худо кучдан қисмаган экан. Паҳлавон одамлар эди, дейишади. Ўзим эса курашга гоят қизиқаман. Кураш бўйича Тошкентда ўтказилган биринчи жаҳон чемпионатида ҳам иштирок этган эдим. Бу галги турнирда эришган муваффақиятимдан жуда мамнунман. Ахир, дунёнинг ўттизга яқин мамлакатидан келган полвонлар қатнашаётган шундай нуфузли турнирда учинчи ўрин олишнинг ўзи мен учун катта шараф. Ният қилиб қўйдим, машқларимни тўхтовсиз давом эттираман, эришган натижаларимни кейинги мусобақаларда яна-да яхшилайман. Турнир менга ўзимнинг имкониятларимни синаб кўриш учун восита бўлишдан ташқари, катта маҳорат мактаби ҳам бўлди. Айниқса, ўзбек полвонларининг тажрибасини ўрганишим келажакда менга кўп қўл келади, деб ўйлайман.

**Хиройоши Камимото — турнирда ишқибозларнинг энг кўп олқишига сазовор бўлган полвон. Япониядан:**

— Мен бу сафар тўртинчи ўрин билан қаноатланишга мажбур бўлдим. Тажрибамнинг камлиги озгина панд берди. Лекин ёрдамчим мусобақани бошдан охиригача тўлиқ видео тасвирга тушириб олди. Уйга боргач, ютуқ ва камчиликларимни яна бир бор таҳлил қиламиз. Бошқа полвонларнинг тажрибасини ўрганаман. Мана кўрасиз, кейинги мусобақаларда, албатта, биринчи ўринни оламан. Чунки ўзбек курашини жуда яхши кўриб қолдим.

**ЎзА мухбири Мусулмон НАМОЗ ёзиб олди.**

## ЮРТИМГА, ЮРТБОШИМГА ТАШАККУРИМ

***Насабимни сўрасангиз, мен ўзбекнинг қизиман,***
***Ўзбекистон — осмоним, мен битта юлдузиман.***
***Муҳаммад пайғамбарнинг умматиман, билсангиз,***
***Ўзимни ўзбек деяман, агар қабул қилсангиз.***

Муҳтарам Президентим!

Мени «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлаб, менинг ўзбек миллатига мансуб эканлигимни яна бир тасдиқладингиз. Бунинг учун шахсан Сиздан ва меҳрибон халқимдан умримнинг охиригача миннатдорман!

***Кексаликда бахт топган бахтиёр бир аёлман,***
***Керак бўлса, сизлар учун жон бермоққа тайёрман!***
***Оллоҳ берган омонатни ажал келса, бергайман,***
***Икки дунё, азизлар, мен ўзбекни дегайман!***

***Кучим етгунча халқнинг хизматида бўлдим мен,***
***Юздан зиёд шогирдларга устоз — она бўлдим мен.***
***Етмиш йил тиним билмай санъат-саодат учун,***
***Жонимни фидо қилдим, ўзбекий одат учун.***

Ҳаётим давомида бир қанча унвону мукофотларга сазовор бўлдим, минг бора шукур! Аммо менинг ҳаётимда ҳозиргидек ҳаяжонли, ажойиб дақиқалар ҳеч қачон бўлмаган. Фурсатдан фойдаланиб, яхши бир ният билан Сизни ва халқимизни дуо қилмоқчиман.

Илоҳо омин! Азиз юртимиз ва кўп миллионли ёш ўғил-қизларимизнинг отаси бўлмиш, жаҳонга ибратли Президентимиз Исломжон Каримовнинг умрлари узоқ бўлсин, қилаётган ҳамма ишларига Оллоҳ ривож берсин, юртимизга асло кўз тегмасин!

Меҳрибон халқим, саховатли ўзбегим менга берган нонтузига рози бўлсин!

Оллоҳи акбар!

**Камоли эҳтиром ила**
**Гавҳар РАҲИМОВА,**
**Ўзбекистон халқ артисти.**

## МУСТАҚИЛ НОМЗОДЛАРНИ ҚУВВАТЛАБ

Ҳозирги сайлов кампанияси чоғида Хоразм вилоятида иккита катта воқеа юз берди. Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодларнинг сайловолди тарғиботи арафасида Урганчда мустақил номзодларни қўллаб-қувватлайдиган Республика жамоатчилик маркази вилоят бўлимининг таъсис йиғилиши ўтди.

— Ҳозирча Хоразмда аҳолини жамоат ташкилотларининг ташаббускор гуруҳлари Олий Мажлис депутатлигига етти нафар мустақил номзодни ва вилоят ҳамда туман Кенгашлари депутатлигига тўрт нафар номзодни кўрсатиб, уларни қўллаб-қувватлаб, сайловчиларнинг зарур миқдордаги имзосини тўпладилар, — деди марказнинг вилоят бўлими раҳбарлигига сайланган Республика байналмилалчи жангчилар бирлашмаси Хоразм бошқармасининг раиси Н.Эшматов ЎзА мухбири билан суҳбатда. — Бизнинг вазифамиз уларга ва бошқа мустақил номзодларга зарур ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам бериш, сайловолди ташвиқотида иштирок этиш учун тенг имкониятни таъминлашдан иборат.

Урганчда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияси ҳузурида матбуот маркази ташкил этилгани иккинчи воқеа бўлди. Эндиликда республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг журналистлари сайлов кампанияси қандай бораётгани ҳақида бу ерда оператив ахборот олишлари мумкин.

**Т. ШАМАКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Обуна-2000

## ЁППАСИГА — «ХАЛҚ СЎЗИ»ГА!

Тўрткўлдаги «Баракат» ҳиссадорлик жамиятининг 21 нафар ходими ёппасига «Халқ сўзи»га обуна бўлдилар.

— Мамлакатимизнинг бош нашри орқали ҳар кунги қайноқ ҳаётимизнинг томир уришини билиб борамиз, — дейди жамият бошқаруви раиси Каримбой Бўзов. — Қолаверса, унда кечаётган ҳар бир кунимиз солнома сифатида муҳрланади. Газетанинг изчил тахлами келажак учун маънавият дурдонаси вазифасини ҳам ўтайди. Имкониятларимизни кўриб чиқиб, «Халқ сўзи» сўзи обуначиларини янада кўпайтириш ниятидамиз.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҚИРҒИЗИСТОН ҲУКУМАТИ БЎШ ҚОП БИЛАН ҚОЛДИ...

Боткенга бостириб кирган халқаро террорчилар Қирғизистон ҳукуматининг қўлига бўш қоп тутқазиб кетишди. Оммавий ахборот воситаларининг хабарига кўра, 25 октябр куни жиноятчи тўдалар қўлида гаровда сақланаётган японииялик геологлар озод этилди. Қирғизистон ҳукумати гаровдагилар эвазига халқаро террорчиларга номаълум миқдорда пул ва бир неча тонна ун берган.

Энг аввало, эътиборингизни масаланинг бир жиҳатига қаратмоқчимиз. Қирғизистон ҳукумати жиноятчиларга барибир пул берар экан, нима учун икки ярим ойгача чўзиб юрди? Ахир шу вақт ичида халқаро террорчилар қанчадан-қанча бегуноҳ одамларнинг уйини бузди, ҳаётига зомин бўлди. Халқаро террорчилар билан оғиз-бурун ўпишиб, савдолашиб юришнинг нима кераги бор эди? Энди масаланинг яна бир жиҳатига эътибор беринг. Хўш, Қирғизистон нимага эга бўлди? Япония фуқароларининг озод этилиши, албатта, яхши. Лекин минтақа тинчлигига таҳдид солган тўдалар расмий Бишкекнинг қўлига бўш қопни тутқазиб кетди-ку. Қарғага дон берсангиз, у донни чўқилаб-чўқилаб учиб кетади. Тута олмайсиз. Қирғизистон ҳукумати ҳам қарғага дон ташлади. Лекин оқибатда чапак чалиб қолди. Минтақа хавфсизлигига тажовуз қилган, мустақил давлатга қарши жиноят содир этган, бегуноҳ одамларни ўлдирган кимсаларни қўлдан чиқарди. Яна қўшқўллаб пул ҳам тутқазиб юборди. Эртага айнан шу пулга сотиб олинган қурол яна Қирғизистоннинг ўзига қарши қаратилмаслигига ким кафолат бера олади?!.

Қарға қўлингиздаги донни чўқилаб-чўқилаб, "пирр" этиб учиб кетади, яна кафтингизни ифлос ҳам қилади. Қирғизистон ҳукумати айнан шу ҳолга тушди.

**Фазлиддин ДИЛШОД.**
**(ЎзА)**

Кеча Қозоғистон Республикаси ўзининг Мустақиллик кунини нишонлади

## ОЛАМГА БИР НИГОҲ

# ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

***Қозоғистон халқи давлат мустақиллигининг саккиз йиллигини нишонлади. Шу муносабат билан Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Умрзоқ ЎЗБЕКОВ ЎзА мухбири Аброр ҚИЛИЧЕВга қуйидагиларни сўзлаб берди.***

— Тарих учун саккиз йил жуда қисқа вақт, лекин, ўтган шу давр ичида Қозоғистон халқи ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди. Мамлакатда иқтисодий ва ижтимоийислоҳотлар амалга оширила бошланди ва ҳозир улар ўз самарасини бераётир. Бунга мамлакатда демократик институтлар ташкил этилгани ва изчил фаолият кўрсатаётгани мисол бўла олади. Яқинда Қозоғистон парламентига бўлиб ўтган сайлов жараёнида ҳам бу ҳол яққол намоён бўлди. Таъкидлаш керак, мамлакат демократияси учун мазкур сайлов муҳим имтиҳон бўлди. Унда ЕХҲТ вакиллари билан бирга, МДҲ давлатлари, хусусан, Ўзбекистондан ҳам кузатувчилар иштирок этди.

Бугунги кунда Қозоғистон мустақиллик берган имкониятлардан фойдаланиб, нуфузли халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ, ЕХҲТ, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига тўхталадиган бўлсак, ўзаро муносабатларимиз олис тарихга бориб тақалади. Ўзбек ва қозоқ халқлари қадим Туркистон ҳудудида истиқомат қилаётган тарихи, ери, суви, офтоби ягона халқлардир. Зеро, уларнинг қондошлиги аввало, қадим туркий эл фарзандлари эканлиги билан ҳам изоҳланади. Президентлар Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоевнинг ўзаро дўстона муносабатлари ҳам халқларимиз дўстлигининг нечоғлик мустаҳкам асосга эгалигидан далолат.

Мустақилликнинг илк давридаёқ мамлакатларимиз ўртасида муҳим ҳужжатлар имзоланган. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1997 йилда Қозоғистонга расмий ташриф буюрган эди. Мазкур ташрифга жавобан Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев 1998 йилнинг октябрида расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Таъкидламоқ жоиз, мазкур ташрифлар давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини юқори босқичга олиб чиқди. Чунончи, Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома имзоланди ва бир вақтнинг ўзида бу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси ҳамда Қозоғистон Республикаси парламентлари томонидан ратификация қилинди. Айни вақтда давлатларимиз ўртасида турли соҳалар бўйича муҳим аҳамиятга молик қирққа яқин ҳужжат имзоланган.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Уни самарали, ўзаро манфаатли ҳамкорлик, дейиш мумкин. Иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган. Шу ўринда айтиш керакки, Ўзбекистон Қозоғистоннинг етакчи савдо ҳамкорларидандир. Бугунги кунда юртингизда элликка яқин Ўзбекистон-Қозоғистон қўшма корхонаси фаолият кўрсатяпти. Савдо-иқтисодий алоқалар кўламини янада кенгайтириш учун икки мамлакатда ҳали катта имкониятлар мавжуд.

Шу ерда бир гапни таъкидлаб ўтишни истардим. Бизнинг энг катта бойлигимиз дўстлигимиздир. Бу риштанинг мустаҳкамлиги кафолатланган ва шу боис ҳам унинг келажаги порлоқ. Халқларимиз байрамларини қадимдан биргаликда нишонлаб келган. Ўзбекнинг байрами қозоқ учун эъзозли бўлганидек, бизнинг байрамимиз сизлар учун ҳам қадрли эканини дилдан ҳис этаман.

## СУД ҚАРОРИ ҚАЙТА КЎРИЛМОҚДА

Анқара суди курд исёнчилари раҳбари Абдулла Ўжаланнинг ўлим жазоси юзасидан кассацион шикоятини кўриб чиқишга киришди. Суд ҳужжатларни кўриб чиқиш анча вақт талаб қилишини инобатга олиб, бу иш юзасидан қарор бир ойдан сўнг қабул қилинишини маълум қилди. Ўжалан адвокатлари у курд ишчи партиясининг қуролли тўқнашувдан қайтишга даъват қилгани учун ўлим жазосини бир умрлик қамоқ жазосига алмаштиришга эришишга ҳаракат қилмоқдалар. Адвокатларнинг таъкидлашича, суд ўз қарорини ўзгартирмаса улар инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига мурожаат қилишади. Би-Би-Си маълумотига кўра, илгари Европа Иттифоқи Туркияни Ўжалонга нисбатан ўлим жазосини бекор қилишга чақирган.

## ЎҒРИЛАР УШЛАНДИ

Италия полицияси Милandaги Мальпенза аэропортининг 14 нафар ходимини ҳибсга олди. Улар бир неча миллион Америка доллари ҳажмида ёнилғини ўғирлашда айбланмоқда. Улар беш йил давомида самолётларга белгиланган нормадан кам ёнилғи қуйиб, ўғирлик қилишган ва ортириб қолинган ёнилғини «чап»га пуллашган. Эндиликда уларга ўғирлик ва мулкни ноқонуний ўзлаштирганлик айби қўйилмоқда, дея хабар беради, Би-Би-Си радиоси.

## ЯНГИ ҚОНУН

Шу йилнинг 21 октябридан эътиборан, Бирлашган Араб Амирликларида экологик жиноят учун ўлим жазоси кучга кирди. Бу ҳақда ИТАР-ТАСС хабар берди. Бундай қатъий жазо оғир табиий шароитда яшаётган аҳоли учун атроф-муҳит тозалигини сақлаш учун зарур, дея баёнот берди, табиатни қўриқлаш Федерал хизмат вакили Саад Нумейри. Унинг таъкидлашича, айниқса, денгиз хавзасини ҳимоя қилиш мамлакат учун асосий масала ҳисобланади. Шу боис ҳам янги қонуннинг бутун бир бўлими сув иншоотларини ифлосланишдан сақлашга қаратилган. Зеро, мамлакат аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш муаммолигича қолмоқда. Янги қонунга мувофиқ мамлакат ҳудудига биокимё ва ядро чиқиндиларини олиб келиш ва уларни сақлаш энг оғир жиноят ҳисобланади. Бунга йўл қўйган кишини ўлим жазоси кутади.

Нима? Қачон? Қаерда?

Франция: Виенна тарихий обидаси



## ҚИСҚА САТРЛАРДА

**НАТО ўзининг Босния ва Герцеговинадаги ҳарбийлари сонини қисқартиришни режалаштирмоқда.**

* * *

**Анголадаги УНИТА гуруҳи Жонас Савимби раҳбарлигида гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланмоқда ва бунинг эвазига хориждан қурол-яроғ сотиб олмоқда.**

* * *

**Тунисда. якшанба куни мамлакат президентлиги ҳамда парламентга навбатдаги сайловлар ўтказилади.**

* * *

**Чили билан АҚШ ҳаво транспортларининг эркин ҳаракати тўғрисида ҳукуматлараро битим имзолади.**

* * *

**Шарқий Тиморда кўп миллатли халқаро тинчликни сақлаш кучлари сафида хизмат қилаётган Австралия ҳарбийлари сони 4850 минг кишига етди.**

* * *

**Ливанда олий ўқув юртлари ҳамда ўрта мактаблар ўқитувчилари ялпи иш ташлаш эълон қилди. Унда 60 мингга яқин киши иштирок этмоқда.**

* * *

**Яманнинг Ибб вилояти марказида автомобил портлаши оқибатида етти киши ҳалок бўлди, 17 киши тан жароҳати олди.**

* * *

**Иордания соғлиқни сақлаш вазири Исҳоқ Марак мамлакат фуқароларини жамоат жойларида чекишни таъқиқлаш ҳақидаги қонунга риоя қилишга чақирди.**

* * *

**Ҳиндистон ҳукумати мамлакат ҳудудида Россиянинг ТВ-6 канали дастурларини олиб кўрсатишни таъқиқлаб қўйди.**

* * *

**Собиқ Бош вазир Навоз Шариф йўлбошчилик қилаётган Покистон мусулмонлари лигаси (ПМЛ) армия билан қарама-қаршиликка бормаслик ҳақида қарор қабул қилди.**

**ЎзА ва хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

## НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛАДИ

***Газетанинг шу йил 2 июл сонида «Тайёр ошга «баковул» керакми?» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилганди. Унда Андижон вилоятидаги Қорасув шаҳар деҳқон бозорида юз бераётган камчиликлар очиб ташланган.***

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

Мазкур мақола юзасидан таҳририят Қорасув шаҳар давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи жаноб И. Холматовдан жавоб мактуби олди. Унда таъкидланишича, мақола инспекция ходимлари ўртасида ўрганиб чиқилган. Бозордаги умумий аҳвол, харидор ва тадбиркорларга яратилган шароитлар, бозорнинг санитария аҳволи, савдо расталарида олибсотарлар фаолияти бўйича камчиликлар тўғри кўрсатиб ўтилган.

Ушбу мақола юзасидан инспекцияда умумий йиғилиш ўтказилди. Бозордаги камчиликларга йўл қўйганлиги учун участка инспекторлари М. Соқиев ва Х. Режаповларга ҳайфсан берилди, М. Соқиев бошқа ишга ўтказилди.

Мақолада кўрсатиб ўтилган хато ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида керакли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, деҳқон бозори савдо расталарида якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорларни доимий назоратга олиб бориш, бир маротабалик патта йиғими, пуллик хизмат ва ижара ҳақи олиниши ҳамда белгиланган топшириқларнинг ойма-ой бажарилишини назоратга олиш, СЭС ходимлари билан ҳамкорликда текширишлар ўтказиш режалаштирилди.

## АНТИҚА БОДРИНГ



*Узунлиги бир ярим метрли бодрингни кўрганмисиз? Асли ватани Голландия бўлган ушбу гигант бодринглар хорижда эмас, балки Тошкент туманидаги Ғиёс Умаров номли жамоа хўжалигида яшовчи Тўйчи Толипов хонадонига туб қўйиб, палак ёйган десак ишонаверинг.*

*— Голландиядан келтирилган бодрингни патисон билан чатиштирдик, — дейди Тўйчи ака. — Кўриб турганингиздек, натижаси чакки эмас. Бу антиқа бодринг, аввало, хушхўр, ҳатто уни қовуриб истеъмол қилиш ҳам мумкин. Энг асосий хусусияти шундаки, агар бодрингнинг ярми кесиб олинса ҳам, у ўсишда давом этаверади ва кесилган қисмини тўлдиради.*



**СУРАТЛАРДА: ҳаваскор боғбон Тўйчи Толипов ўзи етиштирган антиқа бодринги билан; отахоннинг набиралари ҳам деҳқончиликка меҳр қўйишган.**

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 26 октябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 89,10 | 1 БАА дирхами | 37,31 | 10 Люксембург франки | 36,60 | 1 Франция франки | 22,51 |
| 1 Австрия шиллинги | 10,73 | 1 АҚШ доллари | 137,03 | 1 Малайзия ринггити | 36,06 | 1 Швейцария франки | 92,61 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 229,63 | 1 Миср фунти | 40,18 | 1 Германия маркаси | 75,49 | 1 ЕВРО | 147,64 |
| 10 Бельгия франки | 36,60 | 10 Испания песети | 8,87 | 1 Польша злотийси | 33,29 | 10 Жанубий Корея вони | 1,14 |
| 1 Голландия гульдени | 66,99 | 100 Италия лираси | 7,62 | 1 СДР | 190,85 | 10 Япония иенаси | 13,00 |
| 10 Греция драхмаси | 4,48 | 1 Канада доллари | 92,53 | 1000 Туркия лираси | 0,29 | 1 Россия рубли | 5,32 |
| 1 Дания кронаси | 19,87 | 1 Хитой юани | 16,55 | 1 Финляндия маркаси | 24,83 | 1 Украина гривнаси | 30,49 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

IREX
## АҚШда ТАДҚИҚОТ ЎТКАЗИШ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР
USIA

Америка Қўшма Штатлари ҳукумати АҚШ Ахборот агентлиги билан ҳамкорликда ўзининг янги дастурини мамнуният билан эълон қилади. Ушбу дастур очиқ танловда грантлар олиш имконини беради ва қуйидагича номланади:

***«Озодликни қўллаб-қувватлаш амали бўйича долзарб муаммолар» (Freedom Support Act Fellowships in Contemporary Issues).***

Дастур АЙРЕКС (Халқаро илмий тадқиқотлар ва олимларни айирбошлаш кенгаши) томонидан ўтказилади. АЙРЕКС икки томонлик йўл харажатларини, яшаш жойи, стипендия, АҚШ университетларининг бирига жойлашиш ҳамда виза ҳужжатларини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ўз зиммасига олади.

Бу дастур ўзбекистонлик мутахассислар учун 4 ой давомида АҚШда илмий тадқиқотларни ўтказиш ва зарур малакаларга эга бўлиш учун ажойиб имкониятдир. Тадқиқот мавзулари ижтимоий-гуманитар фанларнинг турли соҳаларига оид бўлиши мумкин, аммо уларнинг барчаси Ўзбекистондаги мавжуд долзарб ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммоларга қаратилиши лозим. Барча номзодлар Ўзбекистонда эркин бозор, демократия ва фуқаролик жамияти қурилишларида банд бўлишлари, мутахассис сифатида танилган бўлишлари, шунингдек, инглиз тилини билишлари керак. Иштирокчиларнинг ёши 25дан 55ёшгача бўлиши шарт.

Тилга олинган дастурга оид маълумотлар ва ариза варақаларини Халқаро тадқиқот ва олимларни айирбошлаш кенгашининг(АЙРЕКС) офисида, Тил ва маслаҳат марказларининг Тошкент, Наманган, Нукус, Бухоро ва Самарқанддаги ваколатхоналарида ёки бизнинг Интернетдаги варақчамиздан (http;www.irex.ru) олишингиз мумкин.

**Тошкентдаги АЙРЕКС ваколатхонаси Шодлик кўчаси 6-уй 1-қаватда жойлашган.**

**Қўшимча маълумот учун телефон: (998 712) 67-52-58.**

®/2152

*Дастур бўйича талабнома топшириш муддати **1999 йил 26 ноябрь соат 17.00 гача.***

«Пахта-99»

# АВВАЛИГА ЕРНИ АЛДАШДИ, КЕЙИН ЭСА...

**Мингбулоқ тумани пахтазорларида бу йил ҳосил кам бўлди. Устига устак, терим мавсуми ҳам қониқарсиз ташкил этилган. Нега?**

Бир пайтлар 50 минг тоннадан ошиқ пахтаси билан вилоят хирмонига салмоқли улуш қўшиб келган Мингбулоқ тумани, мана, беш йилдирки, қолоқлик гирдобига тушиб қолди. Ҳар йили тадбирлар тузилади, қоп-қоп ваъдалар берилади. Лекин силжишдан дарак йўқ. Бу йилги аҳвол ҳам юқорида айтилганидек, қувонарли эмас.

Туманда пахта териш ва давлатга сотишнинг бориши ҳақидаги кунлик маълумотномада аксарият хўжаликлар бир фоизга ҳам етмайдиган ҳосил йиғиштириб олаётгани кўзга ташланади. Уларнинг мавсум бошидан буён уйган хирмонига келсак, ҳали 60 фоизга ҳам етгани йўқ. Туманнинг кўрсаткичи эса эндигина 56 фоиздан ошди. Нима, ишчи кучи етишмайдими ёки пахта йўқми? Аниқланишича, теримга 23700 киши жалб этилган. Уларнинг тенг ярми ҳашарчилардир. Агар белига этак боғлаганларнинг ҳар бири 30 килодан терганида ҳам кунлик ўсиш 1,5 фоизга етиб қоларди. Аммо ундай бўлмаяпти.

Туманнинг қайси бир раҳбари ёки мутахассиси билан суҳбатлашманг, пахтакорлар ёз бўйи жон куйдириб меҳнат қилганлиги, ҳосил яхши бўлганлиги, аммо тарози босмаётганлигидан ҳасрат қилишади. Тўғри, чиндан ҳам пахтанинг гози йўқ. Сабабими?

— Бир гектар ерни оиламиз билан ижарага олганмиз, — дейди «Гигант» қишлоқ хўжалиги корхонаси 18-бригадасининг пудратчиси Юсуфжон Ўришев. — Аммо парвариш даврида ғўзага бирор кило ҳам минерал ўғит бера олмадик. Етарли озиқлантирилмаган экин ҳосил берармиди? Биринчи теримдаёқ ғўзалар шипшийдам бўлиб қолди. Ерни алдамоқчи бўлгандик, ўзимиз алданиб қолдик, чоғи.

— Шу гаплар тўғрими? — сўрайман бригада бошлиғи Ўктамбой Тошболтаевдан.

— Ҳақиқатан ҳам, пахтани етарли даражада озиқлантира олмадик, — таъкидлади у. 63 гектар ерга чигит эккандик. 34 центнердан ҳосил олмоқчи эдик. Баҳорда бир мартагина, унда ҳам 10 тонна аралаш ўғит беришди. Унинг қанчаси азотли-ю, қанчаси фосфорли, Худо билади? Пудратчи тўғри айтди, ерни алдаб қўйдик. Мана, натижасини кўриб турибмиз. Бригадамиз хирмони 30 фоизга ҳам етмасдан далада пахта қолмади.

— Аслида, қанча ўғит олишингиз керак эди?

Бригадир елка қисди...

Энди гапнинг буёғига қулоқ солинг.

— Бу йил 5226 тонна азотли, 1760 тонна фосфорли ва 610 тонна калийли ўғит олдик, — деди туман «Агрокимёсервис» ҳиссадорлик жамияти иқтисодчиси Баҳромжон Раҳимов. — Бу эҳтиёжни бемалол қоплайди.

— Агротехника қоидаси бўйича бир гектар пахтазорга 240 килограмм азотли ўғит солиниши лозим, — изоҳ берди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Абдураҳмон Қобулов. — Амалда эса бу миқдор 120 килограммдан ошмади.

Бу икки мутахассисдан қай бирининг гапига ишониш керак? Амир Темур номли, «Гулистон», «Истиқбол», «Хоразм», «Наманган» жамоа-ширкат хўжаликларида биринчи теримдан кейиноқ пахтанинг таги кўриниб қолганлиги ҳисобга олинса, А. Қобуловнинг эътирозида жон бордек.

Айтайлик, ғўза парвариши даврида имкониятлар бой берилибди, ҳеч бўлмаса мавжуд ҳосилни вақтида териб олишга ҳаракат қилинаётгандир? Пахтанинг ҳақиқий эгалари бўлган пахтакорлар мавсум бошида озгина шиддат кўрсатишди, ҳосил чўғи камайгач, ишни ҳашарчиларга топширишди-қўйишди. Исбот учун рақамларга мурожаат қилайлик. 13 октябр куни туман бўйича 20624 киши теримда қатнашган бўлса, уларнинг 13126 нафари ҳашарчилар эди. Шу куни асосий теримчилар ҳисобланган 12 минг кишидан 7428 нафари далага чиққан, холос. Уларнинг ўртача терган пахтаси ҳам 25 килограммдан ошмайди.

«Истиқбол» ширкат хўжалигида Садриддин Норқўзиев бошлиқ бригада аъзоларининг ярмигина теримда қатнашяпти. Бу ерда ҳам кўмакка келган ҳашарчилардан умид катта. Пахтанинг ҳақиқий эгалари эса томорқасидаги ҳосилни йиғиштириш билан овора.

Ҳақли савол туғилади: бугунги кунда туманда ҳашарчилар кучига суяниб қолишган экан, уларга шароит яратиш, меҳнатига ҳақ тўлаш масалалари қандай ҳал этилаяпти? «Гигант» қишлоқ хўжалик корхонасининг Каримберди Эсонов бошлиқ бригадасида пахта тераётган Наманган нур қурилмалари корхонаси ишчилари билан суҳбатлашамиз. Дала шийпонида истиқомат қилаётган 22 нафар ҳашарчи шундоққина пол устида, шийпон атрофидаги очиқ жойларда ўтириб, тушлик қилишяпти.

— Терган пахталарингизнинг пулини олиб, анча бойиб қолгандирсизлар? — сўраймиз улардан.

— Келганимизга 10 кундан ошди, ҳали бирор сўм ҳам беришгани йўқ, — дейди пахтасини торттириб қайтаётган Нарзулло Раҳматов.

Шу бригадада меҳнат қилаётган 22-болалар боғчаси ходимлари ҳам пахтага ўз вақтида ҳақ тўланмаётганлигини куюниб гапиришди. Ваҳоланки, «Пахтабанк»нинг туман бўлими мутасаддилари 10 октябргача терилган пахта пули тўла ҳисоб-китоб қилинган, дейишган эди.

Хўжаликнинг учинчи бўлими идораси деворига илиб қўйилган бир хабарнома-эслатма диққатимизни тортди:

«Бўлим, бригада бошлиқлари ва вакиллар диққатига. Эртага, туманга тафтишчи келиши муносабати билан қуйидаги вазифаларни бажаришингизни топшираман: далага асосий кучлар ва ёрдамчиларни тўла жалб этиш, пайкалларда бир қатордан теришни ташкил қилиш, бригадир ва вакилларнинг шай бўлиши, пахтани даланинг бошида тортиб олиш, тушликда чой ва овқатни тайёрлаш, иш ҳақини тезда тарқатиб чиқиш. Терим графигини мутасаддилар билиши керак. Корхона ташқи бошқарувчиси Т. Исоқов».

Бу назоратчилар келганда ҳушёр бўлгин-у, бошқа пайтда билганингдан қолма, дегани ва туманда иш юритиш борасидаги хўжакўрсинчиликнинг исботи эмасми?!

Яна бир масала. Мингбулоқ бир пайтлар мавжуд ҳосилнинг 60 фоиздан кўпроғини машиналарда териб олиб, республикада довруғ қозонган эди. Бугунга келиб, бу тажрибадан асар ҳам қолмаган.

— Амалдаги йилда туман бўйича 12000 гектар майдондаги ҳосилни «пўлат этак»лардан тўкиш режалаштирилганди, — дейди «Туман машина-трактор парки» давлат ҳиссадорлик жамияти раисининг ўринбосари М. Исмоилов. — Шуни ҳисобга олиб, 73 та терим машинасини барвақт созлаб қўйдик. Уларнинг таъмири учун оз эмас, кўп эмас, 920 минг сўм сарфланди. Пировард натижа эса... бор-йўғи 365 тонна ҳосил терилди. Ҳар тонна пахтани териб олиш 2623 сўмга тушди.

Бу турган-битган зарар эмасми? Қолаверса, 73 та агрегат таъмирига кетган харажатни ким тўлайди? Хўжалик раҳбарларими ёки ўз қарори ижросини таъминлай олмаган туманнинг биринчи раҳбари жаноб М. Раҳматовми? Бу «ўйин» натижасида мавсумда тонна-тонна пахта териш орзуси саробга айланган механизаторларнинг ҳақли таъналарига ким жавоб беради?

Аммо бир масалада жавоб аниқ: туманда пахта тайёрлаш шартнома режаси бу йил ҳам аросатда қоладиган кўринади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Fairtrade - Оламшумул кўргазмалар ташкилотчиси Сизларни таклиф этади.

Construct '99 Central Asia

**1999 йил 26 - 29 октябр**
**Ўзбекистон, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 107, «Ўзэкспомарказ»**
Иш вақти: 10.00 - 17.00

**Мутахассислар билан учрашиш имкониятини қўлдан бой берманг.**
Жаҳоннинг етакчи фирмалари ўзларининг янги технология ва маҳсулотларини намойиш этадилар.

Қурилиш машина ва ускуналари соҳасидаги: Arabboy, CBS Turkey, CITES Conditioner Ltd., Fritz Fuss, Heris-Seramik, Kale Kilit, Knauf, Oventrop, Pakpen, Paschal-Werk-G.Maier, Projektierung und Anlagenbau, Reflex Winkelmann & Pannhoff, Viessmann, Wilo каби етакчи фирмалар Сизларни олқишлайди.

Марказий Осиёда 3-маротаба бўлиб ўтадиган қурилиш индустрияси ва материаллари, маиший техника, уй учун ички жиҳозлар ва маҳсулотлар халқаро кўргазмасига ташриф буюринг!

Амир Темур метро бекатидан «Ўзэкспомарказ» бўйлаб ҳар 20 дақиқада тезюрар автобуслар қатнайди.

**Ташкилотчилар:**
fairtrade
Fairtradeнинг Тошкентдаги офиси: Амир Темур кўчаси, 107, 3-павильон. Тел.: 345495 Факс: 344460
UZEXPOCENTRE
Амир Темур кўчаси, 107, 700084, Ўзбекистон, Тошкент.

2221



# ОСИЁ БОКСЧИЛАРИГА ОМАД ЁР БЎЛСИН

Тошкентда, "Юнусобод" спорт мажмуида бокс бўйича XX Осиё чемпионатининг очилиш маросими бўлди. Ушбу чемпионатда 20 та мамлакатдан энг кучли боксчилар иштирок этмоқдалар.

Чемпионатнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳамидулла Кароматов сўзга чиқди: дунёнинг турли бурчакларидан мамлакатимизга келган спорт делегацияларига қараб мен фахр билан шуни хаёлимдан кечирдимки, бизнинг меҳмондўст халқимиз ўз ерида Осиёнинг бокс бўйича XX чемпионатидек нуфузли анжуманни ўтказмоқда, – деди у. – Яқин-яқинларгача бу ҳақда фақат орзу қилишимиз мумкин эди...

Бугун эса Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганлиги, мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати аҳолини соғломлаштириш масалаларига, уларни спортга фаол жалб этишга аҳамият бераётгани туфайли ўзбекистонликлар нафақат спорт билан шуғулланмоқдалар, балки Осиёнинг энг кучли боксчилари тўпланган бугунги анжуман каби спорт байрамини ўтказиб, жаҳон аҳлини хурсанд қилишлари мумкин.

Халқаро бокс ассоциацияси президенти, профессор Анвар Чаудри турнир иштирокчилари ҳузурида сўзга чиқиб, нутқини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга миннатдорлик билдириш билан бошлади.

– Ўзбекистон Президентининг оталарча ғамхўрлиги туфайли ўзбекистонлик спортчилар сўнгги йилларда дунёни ўзларининг муваффақиятлари билан ҳайратга солаяптилар, – деди у. – Ўзбекистон боксчилари 130 та олтин, 70 та кумуш ва 60 та бронза медални қўлга киритдилар.

"Юнусобод" спорт мажмуи мамлакатингизда спортчиларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яққол далилидир. Бу ерда спортнинг кўп турлари бўйича энг юқори даражадаги мусобақалар ўтказилиши мумкин.

Нутқининг якунида Анвар Чаудри Ўзбекистон Президенти ва ўзбекистонлик бокс мухлисларини ишонтириб айтдики, Ўзбекистоннинг нафақат Осиё минтақасида, балки бутун дунёда бокс тараққиётига қўшаётган ҳиссасини юқори баҳолаётган халқаро бокс ассоциацияси Ўзбекистонда боксни ривожлантиришга бундан буён ҳам ҳар томонлама кўмаклашаверади.

Анвар Чаудри Боксни ривожлантиришдаги улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Халқаро бокс ассоциацияси номидан махсус Кубок топширди.

Чемпионатни очиш маросимида, шунингдек, мамлакатимизнинг энг яхши боксчиларини - бокс бўйича биринчи жаҳон чемпиони Руфат Рисқиевни, жаҳон чемпионлари Тўлқин Турғунов, Муҳаммадқодир Абдуллаев ва Ўткир Ҳайдаровларни, профессионал боксчилар орасида тўққиз марта жаҳон чемпиони Артур Григорянни қутлашди.

**(ЎзА)**






*СУРАТЛАРДА: халқаро турнир очилишидан лавҳалар.*
**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

# ТАБАРРУК КИТОБЛАР КЎЗГУСИДА

Аёл — гўзаллик ва поклик, ҳаёт ва муҳаббат тимсоли. Аёл — она. Инсон ҳаётининг давомийлиги унинг билан барқарор. Аёл — опа, аёл — сингил, аёл — турмуш зийнати. Шу боис ҳам юксак маънавият соҳиблари бўлмиш аждодларимиз аёлларни эъзозлашган, уларни жамиятнинг гултожи сифатида қадрлашган. Инсоният маънавий тараққиётида янги саҳифа очган ислом манбалари — Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларда ҳам аёлнинг жамият ҳаётида тутган ўрни юксак баҳоланган.

Исломгача бўлган даврда ҳам ўзбекларда аёлларнинг эъзозланганлигини, уларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлинганлигини кузатиш мумкин. Бухоро фатҳ этилишидан сал олдин бу ҳудудда эри вафот этган аёлнинг мамлакатни бошқарганлиги ҳам ушбу фикрни қувватлайди.

Таъкидлаш жоизки, ислом қабул қилингандан кейин аждодларимизнинг аёлларга нисбатан муносабат маданияти янги погонага кўтарилди. Шунинг учун ҳам бу даврда аёллар орасида жуда кўп тафаккур соҳибалари — олимлар, шоиралар, давлат арбоблари етишиб чиққан.

Қуръони каримда махсус суранинг «Нисо» («Аёллар») деб номланиши ва аксарият сураларда аёллар, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, жамиятда тутган мавқелари тўғрисида оятлар келтирилганлиги ҳам бу муқаддас динда аёлларга алоҳида эътибор берилганлигини кўрсатади. Қуръони каримнинг «Рум» сурасида шундай марҳамат қилинади: **«Унинг (Оллоҳнинг) оятларидан (яна бири) — У зот сизлар ҳамдам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир».**

Қуръони карим таълимоти бўйича, эр — оиланинг раҳбари. Лекин, бу дегани у аёлга зулм қилиши, унга ўз ҳукмларини ўтказиши, аёлнинг ҳақ-ҳуқуқини чеклаши мумкин, дегани эмас. Эрнинг раҳбарлиги оиланинг бутун масъулияти — моддий таъминотидан маънавий-ахлоқий камолотигача барчаси унинг зиммасида эканлиги билан белгиланади. Оиланинг шаънини ҳимоя қилиш, унинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш эрнинг бевосита вазифаси ҳисобланади.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳадисларида ҳам **«Сизларнинг энг яхшиларингиз аҳли аёлингизга ҳусни хулқ билан муомала қилганларингиздир»** деб марҳамат қилинади. Шунинг ўзиёқ аёлнинг мавқеи, аёлнинг қадр-қиммати нечоғлик юксак эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

*1999 йил — Аёллар йили*

Собиқ мустабид тузум даврида аёллар ўз назокатларига номувофиқ бўлган оғир меҳнатларга оммавий суратда жалб этилди. Уларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги худди шунинг билан белгиланди. Қуръони карим ва Ҳадиси шарифлар аёллар ҳуқуқини чеклаши тўғрисида уйдирмалар тўқилди. Собиқ тузумнинг мазкур сиёсати миллатни асл қадриятларидан узоқлаштириш, ўз моҳиятидан йироқлаштириш мақсадига қаратилган эди. Ваҳоланки, Президентимиз, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов яқинда «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбири билан қилган «Оллоҳ қалбимизда, дилимизда» мавзудаги суҳбатларида алоҳида таъкидладиларки, «... биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз». Мустабидлар айни шу ўзлигимизни йўқоттиришга интилдилар. Бу ҳаракат аёлларга бўлган муносабатда ҳам яққол намоён бўлди.

Қуръони карим оятлари ва Ҳадиси шарифларда аёл мўътабар зот сифатида улуғланади. Аёл киши аввало аёллик нафосатини, назокатини, ҳаё-одобини сақлаши лозим эканлиги уқтирилади. У она сифатида фарзандлари, демакки миллатнинг келажаги учун ўз саломатлигини сақлаб қолиши, маънавий-маърифий даражасини муттасил ошириб бориши зарурлиги таъкидланади.

Муқаддас ислом динида аёлнинг оналик хусусиятига алоҳида аҳамият берилади. «Жаннат оналарнинг оёғи остидадур» деган ҳадиси шариф аёл-онанинг Парвардигор ҳузуридаги, пайғамбарлар султони наздидаги даражаси нечоғлик юксак эканлигига далилдир. Миллатимизнинг фахри ҳазрат Навоий мазкур ҳадиснинг улкан аҳамиятини унга ёзган шеърий шарҳлари орқали баён этганлар:

*Оналарнинг оёғи остидадур,*
*Равзаи жаннату жинон боғи.*
*Равза боғин висолин истар эсанг,*
*Бўл онанинг оёғи туфроғи.*

Қуръони каримдаги аксарият оятларда «Парвардигорга ибодат қилинг» деган ҳукмдан кейин «Ота-онангизга яхшилик қилинг» деган амр келади. Шунинг ўзиёқ уларга яхшилик қилиш Оллоҳ таологa ибодат қилишдан кейинги энг улуғ, Тангри таологa хуш келадиган амал эканлигининг исботидир.

Пайғамбаримиз саллолоҳу алайҳи васалламдан бир киши: «Кимга яхшилик қилишим керак?» — деб сўраганида расулуллоҳ: «Онангга!» — деб жавоб берганлар. Савол уч марта такрорланганда ҳам худди шундай жавоб берилган. Тўртинчи мартадагина пайғамбаримиз: «Отангга!» — деганлар. Бу дегани онанинг фарзанддаги ҳаққи отаникидан уч баравар улуғ демакдир. Аёлни бундан ҳам ортиқ эъзозлаш мумкинми?! Мана шундай инсонпарвар динга нисбатан тухмат қилиш инсофданми? Собиқ мустабид тузум сиёсатининг миллий хусусиятларимизга мутлақо ёт эканлиги Қуръони каримга, Ҳадиси шарифга, муқаддас динимизга қилган тухматида ҳам яққол намоён бўлади.

Фақат истиқлол шарофати билангина дин, эътиқод эркинлигига эришдик. Ҳар қандай вазиятда энг тўғри йўлни топа оладиган одил раҳнамонинг насиб этганлиги ҳам миллатнинг улуғ саодатидир. Президентимиз томонидан 1999 йилнинг Аёллар йили деб эълон қилиниши, муқаддас динимизнинг мўътабар манбалари — Қуръони карим ва Ҳадиси шариф таълимотида кўрсатилганидек, аёллар ҳақ-ҳуқуқининг ҳимоя этилишини, аёллар қадрининг юксак даражага кўтарилишини таъминлайди. Зеро, аёлларга бўлган эҳтиром миллатнинг порлоқ истиқболига, буюк келажагига бўлган эҳтиромдир.

**Нурбой АБДУЛ ҲАКИМ,**
**филология фанлари номзоди.**

# ҲАКАМ – КОМПЬЮТЕР

***Ҳар бир лотерея ўйинида ғолибларга совринлар топширилиши энг тантанали лаҳза ҳисобланади. Октябр ойининг ўрталарида Colgate-Palmolive компаниясининг Тошкентдаги ваколатхонаси қароргоҳида ғолиблар ана шундай лаҳзаларни бошдан кечирдилар.***

Лотерея куз фаслининг дастлабки кунларида шу компаниянинг янги навли дезодорантлари мухлислари ўртасида ўйналди. Унда бир неча минг ўзбекистонлик иштирок этди.

Ғолибларни компьютер аниқлади ва уларнинг рўйхати мустақил комиссия томонидан тасдиқланди. Дастлабки совринлар тошкентлик А. Кисиль, Д. Алимуҳамедов ва А. Қориеваларга насиб этди. Қолган совринларнинг соҳиблари шу ўйнинг охиригача аниқ бўлади.

Бироқ компания менежери П. Болотовнинг айтишича, бу ишнинг бошланиши, холос. Навбатдаги лотерея яқин орада ўйналиб, унинг энг бош совриндори АҚШга сафарга йўлланма олади.

**Ўз мухбиримиз.**


## ТРАНСПОРТ - ЭКСПЕДИТОРЛИК ҚЎШМА КОРХОНАСИ

**Бўш ўринларга танлов эълон қилади**

*Бўлимлар:*
- Ҳисобхона
- Транспорт
- Инженерлик
- Ходимлар
- Хавфсизлик хизмати

*Қўшимча маълумот:*
*Иш Сирдарё вилоятида.*

*Номзодларга талаблар:*
- *Олий маълумот.*
- *Инглиз тилини билиш.*
- *Компьютерни билиш.*

*Хорижий компанияда иш тажрибаси бўлса, мақсадга мувофиқ.*

*Таклифларингизни факс орқали кутамиз:*
(371) 152-14-11
LL@2233



*Vinlad* *Ҳаётингизни хотиржам қиламиз!*

**Кўп қаватли тураржой бинолари, хусусий уйлар йўлаклари, идоралар, банклар, муассасаларда ўрнатиш учун**

**«МЕҲМОН»**
купхонадонли домофони




*Вазифаси:*
- Хонадонларда яшовчилар билан келувчи ўртасида икки томонлама аудио ва видео алоқа (200 хонадонгача).
- Йўлакдаги қулфни очиш:
  - электрон калит билан (1000 та калитгача).
  - шахсий код билан
  - хонадондан буйруқ бўйича
- Ўта мустаҳкам қоплама (тажовуздан ҳимоя).
- Чақирилаётган хонадон рақамига алоҳида тартиб берилиши.

*ҚЎРИҚЛАШ, ЁНҒИНДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЖИҲОЗЛАРИ, ТЕЛЕКУЗАТУВ, АТРОФНИ ҚЎРИҚЛАШ ТИЗИМЛАРИ ВА БОШҚА МАХСУС ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ*

C&K SYSTEMS · GLOBAL SECURITY TECHNOLOGY · Philips Communication & Security Systems · PHILIPS · Honeywell · SILENT WITNESS · FERMAX

*Тошкент ш., Қушбеги к., 18, тел.: 50-46-13, 50-99-13, 50-86-80, факс 50-03-61.*
LL@2225



**MALVIL МЧЖ**
**ТАКЛИФ ЭТАДИ:**




- ТУРЛИ ҚУВВАТДАГИ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯЛАР (ГЕРМАНИЯ, РОССИЯ).
- ЭЛЕКТР ЎТКАЗИШ АНЖОМЛАРИ (ГЕРМАНИЯ, ИТАЛИЯ, УКРАИНА).
- АСБОКАРТОН.

**КАФОЛАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ.**

Тел.: (371) 120-68-36, (3712) 30-20-36.
E-mail: malvil@ishonch.uz.
2079



*Сурхон аджанта фарма лимитед*

**ТРИДЦАТЬ ПЛЮС**

Бардам ва тетик бўлишингиз учун




**ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ**
2222



**THE OPEN SOCIETY INSTITUTE**
**ASSISTANCE FOUNDATION - UZBEKISTAN**
**welcomes applications from citizens of Uzbekistan for**
**Master's Level Study in the United States,**
**funded by the Open Society Institute**
**Social Work Fellowship:**

Awards may be held for study in the Health, Mental Health, and Disabilities, Family and Children's Services, Gerontology, Substance Abuse, Domestic Violence, Social Administration and other.

The program length is two years and includes an internship component between the two academic years.

**Application must meet the following criteria:**
Have university degree;
Demonstrate a strong command English language.

*All cost related to tuition, insurance, stipend, books, transportation and accommodation during the study will be covered by the Open Society Institute Social Work Fellowship.*

**Application forms and further details are available from:**
**The Open Society Institute Assistance Foundation - Uzbekistan,**
**31, Zarbog str., 700031, Tashkent, Uzbekistan**
**Tel/Fax: 152-27-41, 120-68-54, 56-51-86**
**E-mail: ilkhom@osi.freenet.uz**

**Application Deadline: November 26, 1999**

LL@2234


Ўзбекбирлашув акциядорлик компанияси бошқаруви ва жамоаси Ўзбекбирлашув бошқарувининг собиқ раиси, меҳнат фахрийси Мадамин Ҳасановга волидаи муҳтарамаси **ҚУМРИХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий текшириш институтининг директори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги **Карим Юлдашевич ЮЛДАШЕВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Очиқ турдаги «Матлуботчи» санаторийси акционерлик жамияти жамоаси Жамият бош директори Аҳмедов Баҳодир Юсуповичга волидаи муҳтарамалари **ҲОЛИДА аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**М. ЕГОРОВ** (масъул котиб — «Народное слово»),
**А. ЖАББОРОВ,**
**С. ЗИНИН,**
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**Л. ПАК,**
**М. САФАРОВ,**
**Р. ФАРҲОДИЙ,**
**И. ХУДОЁРОВ,**
**И. ШОҒУЛОМОВ,**
**О. ҚАИПБЕРГЕНОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»).
**Ў. ҲОШИМОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**
Буюртма Г — 0820, 23276 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — М. САФАРОВ.
Навбатчи — А. ЖЎРАЕВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 22.40*
1 2 3 4 5 6